

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“МАГИСТРАТУРА” БЎЛИМИ  
“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:339.138:658(575.1)

**ВАЛИЕВА АЗИЗА АНВАР ҚИЗИ**

**Озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишда  
маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш**

5A230401- "Маркетинг (товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Юсупов М.А.**

**ТОШКЕНТ – 2018**

Диссертация ишида озиқ-овқат маҳсулотлари бозори конъюнктурасини ўрганишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган ва “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компаниясининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган, унинг маркетинг фаолияти таҳлил қилинган. Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари кўрсатилган ҳамда компания тизими корхоналарида озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишда маркетинг воситалари ва элементларидан фойдаланиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In the dissertation theoretical and methodological bases of the study of the food market situation were studied and the current status of the holding company "Uzbekoziqovkatkholding" was analyzed, its marketing activity was analyzed. In our country there are ways to improve the use of marketing research to increase the efficiency of food industry enterprises and to develop scientific and practical recommendations on the use of marketing tools and elements in marketing research to maximize the effectiveness of the food industry at the enterprises of the company system.


Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки химоядан 2018 йил  
"19" май 12 -сонли баённома билан ўтган.

Илмий  
рахбар: и.ф.н., доц. Юсупов М.А.

  
ИМЗО

10.05.2018  
ой, кун

Магистр: Валиева А.А.

  
ИМЗО

10.05.2018.  
ой, кун

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
<b>1-БОБ Озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари .....</b>	<b>10</b>
1.1 Озиқ-овқат саноати корхоналари маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг мазмун - моҳияти, вазифалари ва мақсадлари.....	10
1.2 Озиқ-овқат саноати корхоналарида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	18
1.3 Озиқ-овқат саноати корхоналари маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг услубий асослари.....	25
Биринчи боб бўйича хулоса.....	29
<b>2-БОБ “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясининг хўжалик ва маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ҳолати таҳлили.....</b>	<b>31</b>
2.1 “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси корхоналарининг хўжалик фаолиятига иқтисодий тавсифнома...	31
2.2 “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ҳолати таҳлили.....	38
2.3 “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси корхоналарида маркетинг тадқиқотлари усулларида фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	42
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	50
<b>3-БОБ “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни такомиллаштириш йўллари.....</b>	<b>52</b>
3.1 Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси корхоналарида маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланиш .....	52
3.2 “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни такомиллаштириш йўллари.....	59
Учинчи боб бўйича хулоса.....	64
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>66</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:.....</b>	<b>70</b>

## КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва асосланиши. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсади – кучли, рақобатбардош инновацион миллий иктисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдир.

2017 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,3 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 2 фоиз, хизматлар – 8,9 фоиз ҳамда қурилиш – 5,6 фоиз ўсиши таъминланди<sup>1</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан шу нарса кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат тармоғи улушининг жадал суръатларда ўсиши, унинг таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бораётгани, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, улар нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам муваффақиятли сотилмоқда.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятига инновацияларни киритиш, улар орқали бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришда маркетинг тизими ҳамда маркетинг тадқиқотининг роли каттадир. Озиқ – овқат саноати корхоналарининг ҳозирги рақобатда ютиб чиқишларининг асосий шарти, ушбу субъектлар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини олиб боришдан иборат, чунки бозорда истеъмолчилар турли хилдир, уларнинг талаб истаклари ҳам турличадир.

---

<sup>1</sup> Давлаб бюджетининг 2017 йилдаги ва 2018 йилнинг биринчи чораги ижроси. Халқ сўзи, 2018 йил 1 июнь, №112.